
ШАҲАР ҲОКИМИ ҚАБУЛИДА 6 ТА МУРОЖААТ ЖОЙИДА ИЖОБИЙ ҲАЛ ЭТИЛДИ

Марғилон шаҳар ҳокими, 1-сектор раҳбари А.Зиявитдинов томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича навбатдаги фуқаролар қабули ўтказилди.

□ Мазкур қабулда жами 27 нафар фуқароларнинг мурожаатлари кўриб чиқилди.

□ Қабул давомида тадбиркорлик, уй-жой, моддий ёрдам, субсидия, соғлиқни сақлаш, газ, электр, кредит, уй-жой таъмир ва бошқа турли масалалар бўйича мурожаатлар рўйхатга олиниб, 6 та мурожаат жойида ижобий ҳал этилди, 1 та мурожаат эгасига ҳуқуқий тушунтириш берилди.

□ Қолган мурожаатларни ўз муддатларида ижросини таъминлаш бўйича тегишли ташкилот ва муассаса раҳбарларига топшириқлар берилди ва ижроси назоратга олинди.

2022-11-16 15:51:18